

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВА ДИЛОРОМ ШАВКАТОВНА

**ТУРИЗМ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ МОЛИЯВИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри-2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Хусанова Дилором Шавкатовна

Туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг
молиявий механизмини такомиллаштириш.....3

Хусанова Дилором Шавкатовна

Совершенствование финансового механизма стратегии инновационного
развития субъектов сферы туризма27

KhusanovaDiloromShavkatovna

Improving the financial mechanism of the strategy of innovative development of
tourism entities51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВА ДИЛОРОМ ШАВКАТОВНА

**ТУРИЗМ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ МОЛИЯВИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1324 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зайналов Жаҳонгир Расулович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Султонбоева Мунира Баходировна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «02» 07 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (189 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 06 кун тарқатилди.
(2021 йил «15» 06 даги 22 рақамли реестр баённомаси.)



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири туризм соҳаси ҳисобланади. У дунёнинг кўплаб мамлакатларида барча даражадаги бюджет даромадларининг муҳим манбаи бўлиб, «дунё ЯИМнинг 11 фоизидан ортиғини шакллантиради»¹. БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO-United Nations World Tourism Organization²) маълумотига кўра, «туризм соҳаси Яқин Шарқда 8 фоиз, Осиё ва Тинч океани минтақасида 5 фоиз, Европа ва Африка қитъаларида 4 фоиз ва, ниҳоят Шимолий ва Жанубий Америкада 2 фоиз ўсган»³. Глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсишининг зарурий шарти бўлмиш инновацион фаоллик билан белгиланади.

Жаҳон амалиётида қўллаб-қувватлаш даражаси ва шаклларига кўра, туристик корхоналар фаолиятини фаол равишда тартибга солиш бўйича давлат стратегияларини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган. Хорижий илмий тадқиқотларда инновацион туризм бозори тушунчасининг мазмуни, инновацион фаолиятнинг шакллари ва усуллари ҳамда бошқа умумий иқтисодий масалалар, шунингдек, инновацион менежмент ва инновацион ривожланиш соҳасидаги илмий ишланмалар кўриб чиқилган. Бироқ мазкур масаланинг соф молиявий жиҳати иқтисодий адабиётларда эътиборга олинмаган. Туризм субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини тартибга солишнинг назарий асослари ва инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун молиявий механизм элементларини тизимлаштириш ва ишлаб чиқишни талаб қилади. Туристик корхоналарни инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш, инновацион ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашга оид стратегик қарорларга таъсир қилувчи омиллар таснифи, молиявий механизмини амалга ошириш, барқарор ривожланаётган иқтисодиёт шароитида бошқарув ва стратегик молиявий режалаштириш объекти сифатида туризм бозорини такомиллаштириш илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда инновацион сиёсат устуворликларини амалга ошириш учун яхлит молиявий механизмни яратиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш стратегиясини молиявий ва инвестициявий қўллаб-қувватлаш, барқарор молиявий потенциал, барқарор молиявий манбалар ва молиявий рағбатларсиз инновацион ривожланиш самарасиз бўлади. Туркорхоналар учун инновацион стратегияни ва уни таъминлашнинг самарали молиявий механизмини ривожлантириш бўйича молиявий сиёсатни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

² <https://www.unwto.org/ru>

³ <https://strategy.uz/index.php?news=874>

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақти келди. Шунинг учун ҳам инновацион ривожланаётган туризм субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш стратегияси ва тамойилларини шакллантириш, туризм субъектлари фаолиятига кластерли-тармоқли ёндашувни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш каби масалалар алоҳида долзарблик касб этади, шунингдек, «туризм соҳасида давлат сиёсати истикболда худудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантиришда туризм соҳаси етакчилик қилиши, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, худудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилаш»⁴га қаратилган бир қатор чора-тадбирлар диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябридаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион фаолият масалалари хорижий илмий тадқиқотларда, жумладан, рус иқтисодчилари томонидан фаол ўрганилмоқда: П.Друкер, Э.Ж.Долан, Р.Дорнбуш, Д.Линдсей, Н.Г.Мэнкью, Б.Твисс, Й.Шумпетер, Э.Хансен, Р.Хизрич⁵,

⁴«Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони.

⁵Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 2008. – 434 с.; Друкер П. Ф. Бизнес и инновации / Питер Ф. Друкер.- Москва: Вильямс, 2007. - 423 с.; Твисс Б. Управление нововведениями. М.: Экономика, 2009. – 272 с.; Douglas G.Pearce. Tourist Organizations, Longman Scientific & Technical, 1992, 219 p. Wiclaw Alejziak, Ryszard Winiarski «Tourism in scientific research» Academy of Physical Education in Krakow, 2005 y, 302 p; Andrew Holden «Environment and Tourism», 3-d edition published, 2016 y, 271 p; Julio

А.П.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, А.Д.Чудновский ва бошқалар⁶. Уларда инновацион бозор тушунчасининг мазмуни, инновацион фаолиятнинг шакллари ва усуллари ҳамда бошқа умумий иқтисодий масалалар, шунингдек инновацион менежмент ва инновацион ривожланиш соҳасидаги илмий ишланмалар (И.В.Зорин, Н.И.Кабушкин ва бошқалар⁷) кўриб чиқилган. Иқтисодиётнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг инвестицион-инновацион тизимининг ривожланиши билан биргаликда маҳаллий олимлар ва иқтисодчилар: М.К.Пардаев, Р.Атабаев, Х.Мухитдинов, Н.Тухлиев ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган⁸. Бироқ мазкур масаланинг соф молиявий жиҳати иқтисодий адабиётларда эътиборга олинмаган. Иқтисодиётнинг инновацион фаолияти доирасида корхоналар инновацион фаолиятининг айрим молиявий жиҳатлари даврий равишда илмий асарлар ва тадқиқотларда, хусусан, А.М.Абдуллаев, К.Х.Абдурахмонова, М.Р.Болтабаев, Д.Р.Зайналов, А.Алмурадов, З.Хакимов, А.Ж.Туйчиев, Т.С.Маликов, И.Н.Кузиев, Б.Э.Тошмуродова, Ж.Х.Атаниязов, С.Э.Элмирзаев, С.С.Алиева, Ш.Р.Сафарова, И.С.Тухлиев ва бошқаларни ишларида умумий маънода ёритилган⁹. Умуман корхоналарни, хусусан,

Aramberri, Richard Butler «Tourism Development: Issues for a Vulnerable Industry», Arizona State University, USA, 2004 y, 293 p.; Боуш Г.д. Бизнес-кластеры: категориально-системное представление: монография. Омск: Изд-во ОмГУ, 2001. – 348 с.

⁶ Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма.- М.: издательский центр «Академия», 2005.- 151 с.; Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: учебное пособие.- СПб: Питер, 2008.- 384 с.; Квартальнов В.А. Туризм: учебник.- М.: Финансы и статистика, 2003.- 320 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма.- М.: Финансы и статистика, 2004.- 379 с.; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2007.- 416 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм.- СПб.: Издательский Торговый дом «Герда», 2008.- 576 с.

⁷Зорин И.В. Менеджмент туризма: Туризм как вид деятельности.- М.: Издательство: Финансы и статистика, 2005.- 288 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма.- Минск: Новое знание, 2002.- 407 с.

⁸ Мухитдинов Х. Институциональные преобразования в инновационной сфере Узбекистана // Финансы: науч. журнал. 2011, №3-4, с. 86-89; Пардаев М.К., Атабаев Р. Туризм асослари.- Самарқанд: СамИСИ, 2007.- 74 б.; Тухлиев И.С. Туризм асослари. Дарслик.- Т.: «Fan va texnologiya», 2014.- 332 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.- Т.: Гос. науч. изд-во «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006.- 416 с.; Сафаров Б.Ш. Совершенствование методологическо-методических основ инновационного развития национального рынка туристических услуг. Докторская диссертация.- СамИСИ, 2015.- 254 с.; Файзиева Ш.Р. Совершенствование экономического механизма туризма в Узбекистане дисс. на соиск. канд.экон.наук 2006.- 176 с.; Абдуллаев А.М., Алмурадов А., Хакимов З. Приоритетные направления инновационного развития Республики Узбекистан в условиях модернизации // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар: илмий электрон журнал, 2015 й., №2, март-апрель.- 1014 б.;

⁹Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие.- Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова» в г. Ташкент, 2013; Boltabayev M.P., Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. - Т.: «Fan va texnologiya», 2018.- 400 б.; Абдуллаев А.М., Алмурадов А., Хакимов З. Приоритетные направления инновационного развития Республики Узбекистан в условиях модернизации // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар: илмий электрон журнал, 2015 й., №2, март-апрель.- 1014 б.; Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. Т: Тошкент Молия институти., 2010.– 4 б.; Тошмуродова Б.Э. ва б. Молиявий менежмент.-Т.:Iqtisod-Moliya, 2014.-74 б.;Кузиев И.Н.Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. -Т.: «Iqtisod-Moliya», 2008. 451 б.; Элмирзаев С.Э.Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 3, июнь,2019-10 б.; Атаниязов Ж.Х. Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари: «халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018-16 б.; Туйчиев А.Ж. Туризм соҳасида меҳмонхона хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг ўрни ва уларда аудит ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари // Молия: илм. журнал. 2017, 4-сон, 18-43 б.; Зайналов Дж.Р., Алиева С.С., Рузибаева Н.Х.Финансовые аспекты развития туризма в Узбекистане. //QARJY/Финансы. 2019. - №3 – С. 14-17;

туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини молиявий қўллаб-қувватлашнинг молиявий муаммоларига бағишланган кенг қамровли илмий тадқиқотлар ҳали махсус адабиётлардан ўрин олмаган. Туризм субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини тартибга солишнинг назарий асослари етарлича ишлаб чиқилмаган, улар инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш учун молиявий механизм элементларини тизимлаштириш ва ишлаб чиқишни талаб қилади (венчур фондлари ва эндаумент фондларидан инновацияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манбалари ва шакллари излаш, уларнинг инновацион фаолиятини бюджет, солиқ ва суғурта тартибга солиш). Ўз навбатида, туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини таъминлаш масалаларининг долзарблиги, етарли даражада назарий ва амалий ишлаб чиқилмаганлиги мазкур илмий тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодийтн модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

назарий мазмунни тадқиқ қилиш ва унинг асосида инновацион ривожланиш стратегияси механизмини таклиф этиш;

инновациялар ва инновацион фаолият хусусиятларини аниқлаш, инновацион ривожланаётган субтуристик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тамойилларини аниқлаш;

инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини ўрганиш ва инновацион туристик маҳсулот нархининг молиявий жиҳатларини аниқлаш;

туристик корхоналарнинг инновацион ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик қарорларга таъсир этувчи омилларни таснифлаш зарурлигини асослаш;

туристик субъектларнинг молиявий фаолиятига кластерли ёндашувни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва туристик корхоналарнинг барқарор инновацион хизмат кўрсатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурлигини асослаш;

инновацион ривожланиш стратегиясининг молиявий механизмини такомиллаштиришни таклиф қилиш ва туристик субъектларни ривожлантириш стратегиясини барқарор молиявий қўллаб-қувватлашни тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожланиш фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда структуравий-тизимли ёндашувлар, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат томонидан субсидиялашни қўллаш асосида туркорхоналарни инновацион соҳасига инвестициялар жалб қилиш имкониятини ошириш асосланган;

туркорхоналарнинг самарадорлигини, фойдасини, даромадини ошириш, турмаҳсулот нархини, харажат ва рискларни минималлаштириш бўйича туризм соҳасини молиявий тартибга солишни кластер-тармоқли ёндашув схемаси ишлаб чиқилган;

худуднинг инновацион саъй-ҳаракатларини ифодаловчи материал сифимини моддий ва молиявий ресурсга нисбати мультипликатори асосида туркорхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш таклиф қилинган;

туркорхоналарни инновацион ривожланиш стратегиясини белгилаш асосида турмаҳсулотларни яратишни молиялаштиришнинг 2030 йилгача прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион ривожланаётган туркорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш стратегиялари тизимли назарий ёндашувлар негизида асосланган;

инновацион турмаҳсулотлардан фойдаланишнинг фойдали таъсирининг интеграл кўрсаткичидан фойдаланишни кўзда тутган ҳолда турмаҳсулотлар сифатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

молиявий натижалар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги коэффицентини ҳисоблаш ва туркорхоналарнинг молиявий потенциалини тиклаш учун зарур бўлган қайта молиялаштириш ҳажмини уларнинг самарасизлиги учун жавобгарлигини субсидиялаш орқали қўллаб-қувватлаш усуллари асосланган;

туркорхоналарнинг фаоллигини таъминлаш учун танг аҳволдаги ва танг аҳволга яқин зоналарни (туркорхоналар, турмаҳсулотлар, нархлар ва бошқалар) аниқланган, уларнинг ҳолатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган молиявий манбаларга эга бўлишнинг устувор йўналишлари таклиф қилинган, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга туркластерларни ривожлантириш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, туризм

субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизми, уларнинг фаолиятини молиявий тартибга солиш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, муаллиф таклифларининг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат органларининг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини такомиллаштириш, туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини баҳолашга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар туркорхоналарни инновацион ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш стратегияси дастурини ишлаб чиқиш ва туристик потенциални баҳолаш, шунингдек молия фанлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат томонидан субсидиялашни қўллаш асосида туркорхоналарни инновацион соҳасига инвестициялар жалб қилиш имкониятини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси томонидан туркорхоналар фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитасининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-16/4822-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида туркорхоналарнинг инновацион соҳасида меъерий-ҳуқуқий базани яратишга, соҳага инвестициялар жалб қилинишига олиб келадиган стратегик йўналиш сифатида уларнинг инновацион фаоллигини ошириш, инновацион турмаҳсулотлар ва давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар бўйича қарорлар қабул қилиш имконини берган;

туркорхоналарнинг самарадорлигини, фойдасини, даромадини ошириш, турмаҳсулот нархини, харажат ва рискларни минималлаштириш бўйича туризм соҳасини молиявий тартибга солишни кластер-тармоқли ёндашув схемаси ишлаб чиқиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси томонидан туркорхоналар фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитасининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-16/4822-сон маълумотномаси). Натижада, туркорхоналарнинг самарадорлигини, фойдаси ва даромадини ошириш, турмаҳсулот нархи, харажат ва рискларни минималлаштириш индикаторларини амалда қўллаш имконини кенгайтирган, ҳамда туристларга кўрсатилган инновацион хизматлардан кўрилган фойда 12,5 фоизга оширилган;

ҳудуднинг инновацион саъй-ҳаракатларини ифодаловчи материал сифимини моддий ва молиявий ресурсга нисбати мультипликатори асосида туркорхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича таклифи

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Кўмитаси томонидан туркорхоналар фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Кўмитасининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-16/4822-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу мультипликатор туризм соҳасидаги рақобатбардош субъектларни баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилган, умумий инновацион самарани аниқлашга имкон яратган, турмаҳсулотнинг ўсиш даражасини аниқлаш имконини берган, давлат манфаатларини ҳисобга олиш имкони яратилган, сайёҳлик корхоналарида молиявий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш туристик маҳсулотдан тушган тушумларнинг умумий ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилган;

туркорхоналарни инновацион ривожланиш стратегиясини белгилаш асосида турмаҳсулотларни яратишни молиялаштиришнинг 2030 йилгача прогнозини ишлаб чиқиш бўйича таклифи Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2021 йил 20 январдаги 02/06-49-сон маълумотномаси). Натижада, тижорат банклари, венчур ва бошқа молиявий институтлар фондлари маблағларидан туристик фаолият билан шуғулланишга эҳтиёжи бўлган уй хўжаликлари иштирокчини ва уларни асосий капиталига нисбатан салмоғини 20 фоизга етказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациякириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, шунингдек, диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларни инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг замонавий жиҳатлари» номли биринчи бобида инновацион ривожланаётган туризм соҳаси субъектларини молиявий қўллаб-

қувватлаш стратегияси ва тамойилларини шакллантиришнинг назарий жиҳатлари кўрсатилган, инновацион турмаҳсулот даражасини оширишнинг молиявий жиҳатлари очиқ берилган, инновацион ривожланаётган корхоналарни молиявий тартибга солиш стратегиясини танлаш таклиф қилинган, ва улар фаолиятига давлат аралашувини камайтириш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Туризм субъектларининг инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш иқтисодий ривожланиш стратегиясининг миллий моделини ишлаб чиқиш учун зарур шарт саналади. Замонавий хўжалик юритиш шароитида барча имкониятлар ва молиявий ресурслардан максимал даражада фойдаланиш беқарор ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий соҳага мослашишни таъминлай оладиган туркорхоналарни шундай тартибга солишга бўлган эҳтиёжни шакллантиришни талаб этади. Беқарор ёки тез ўзгариб турадиган муҳит мавжуд бўлган шароитда, туркорхоналарни хўжалик юритиш жараёни стратегик тартибга солиш механизми устуворлигидан устун саналиб, унинг асосий мезони ривожланиш стратегиясини қабул қилишга айланади.

Замонавий адабиётда «Стратегия» атамасини таърифлашда турли хил илмий ёндашувлар учрайди, яъни «барқарор рақобатдош устунликка эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар мажмуи», «янги киритмалар тамойили», «рақобат бозорида позиция» ва ҳоказолар.¹⁰ Чунки «Стратегия» атамаси учун йўналтирувчи маънона фақат молиявий ресурсларнинг йўналишини, балки ҳар қандай жамоат муносабатларининг моҳиятини ҳам белгиловчи тамойиллар тўпламидир. Тамойиллар молиявий назарияда ҳам, иқтисодий назарияда ҳам кенг ўрганилган тушунча саналади.

В.И.Даль тамойилларни «илмий ёки ахлоқий тамойил, пойдевор, қоида, оғишилмайдиган асос» деб таърифлайди¹¹. С.И.Ожегов луғатида тамойил баъзи назариялар, таълимотлар, дунёқараш, назарий дастурнинг асосий бошланғич нуқтаси сифатида талқин қилинади¹².

Е.А.Иванникова рус тили луғатида тамойилни ҳар қандай назария, таълимот, илм-фан, асосий қонданинг асосий бошланғич қонуни сифатида тавсифлайди.¹³

«Ҳуқуқ тамойиллари» атамасининг ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб, С.С.Алексеев қонун тамойилларини кенг маънода қонунларда акс эттирилган, унинг мазмуни, асослари, унда мустаҳкамланган ижтимоий ҳаёт қонунларини акс эттирувчи тамойиллар сифатида кўриб чиқади¹⁴.

¹⁰ Соколова Н.Н. Теоретические основы формирования стратегии развития предприятий // Вестник КрасГАУ, 2007. - №2. - 7 с; Лапыгин Ю.Н. Основы стратегического управления. Системное управление организацией: Учеб.пособ. - М.: МГУЭСИ, Вл.ГУ, ВИБ, 2002.

¹¹ Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка: в 4 т. - СПб., 1996. Т. 3. - С. 431.

¹² Ожегов С.И. Словарь русского языка. - М. 1986. - С. 594.

¹³ Словарь русского языка / под ред. А.П.Евгеньева. - М., 1987. С. 428.

¹⁴ Алексеев С.С. Проблемы теории права. - Свердловск, 1972. - С. 102.

Б.Ш.Хусанов ва З.Ж.Расулов тамойилларга ғоянинг ўзига хос хусусиятларини беради. Тамойиллар, уларнинг фикрига кўра, ҳукукий нормаларни амалга ошириш учун мафкуравий асос саналади¹⁵.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот ишида тамойиллар иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериши, унинг жамиятдаги ўрнини аниқлаши, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини, хусусан, туризм соҳасининг умумий йўналишини тавсифлаши таъкидланади.

Бироқ туризм субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш доирасида «тамойиллар» атамасини тушунишга доир масала мунозарали. Бу туризм соҳасида «тамойиллар» тушунчасининг ўзи ҳам, молиявий қўллаб-қувватлаш тамойиллари ҳам хилма-хиллиги билан изоҳланади¹⁶.

Диссертация ишида биз молиявий қўллаб-қувватлаш тамойиллари молиявий муносабатларнинг ажралмас қисми сифатида турсубъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни тартибга солиш учун асос эканлигини асослаб берилди. Молиявий қўллаб-қувватлаш тамойиллари турсубъектларининг ички бирлигини ва уни янада ривожлантириш йўналишларини белгиловчи тамойиллар сифатида тушунилади. Бизнинг фикримизча, ифодаланган таъриф молиявий қўллаб-қувватлаш (ёки таъминот) тамойиллари тушунчасининг битта таркибий қисмини – туризм соҳаси субъектларини ривожлантириш йўналиши ўзига хослигини ёритади. Ушбу ўзига хослик молиявий қўллаб-қувватлаш тамойилларини таърифлашда кўриб чиқиладиган субъектнинг баъзи хусусиятларини ва уни молиявий тартибга солишни акс эттириши керак.

Ушбуларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот ишида молиявий қўллаб-қувватлаш тамойиллари давлатнинг туризмни ривожлантириш, паст рентабелли ва рақобатбардош турсубъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларида фаолиятини акс эттирувчи конунан мустаҳкамлаб қўйилган асосий кўрсатмалар сифатида тушунилиши керак, деган хулосага келинади. Айнан ушбу таъриф доирасида кенг маънодаги «молиявий қўллаб-қувватлаш» тушунчаси, молиявий қўллаб-қувватлаш тамойиллари каби унинг таркибий қисмларининг муҳим иқтисодий тушунча сифатида молиявий таъминот моҳиятини акс эттириши лозим. Таассуфки, амалдаги «Туризм тўғрисида»ги конунда «молиявий қўллаб-қувватлаш», инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ёки туркорхоналарни инновацион ривожлантириш тушунчаси мавжуд эмас¹⁷.

Бизнинг фикримизча, мазкур конун ҳужжатида молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги хусусиятларни акс эттириши керак: турли ташкилий-ҳукукий шаклларда амалга оширилиши мумкин бўлган ташкилий-тузилмавий хусусиятлар – мажбурий суғурта, давлат молиявий кўмаги ва б.,

¹⁵Хусанов Б.Ш., Расулов З.Ж. Факторы, могущие сдерживать развитие туризма в условиях цифровой экономики // Межд. Научно-практ. конфер. Самарканд 20-21 февраля 2020 г. – Самарканд: СамИЭС, 2020. – С. 52-55.

¹⁶ Алиева С.С. Развитие финансовых механизмов обеспечения стабильности развития туризма. «Проблемы и перспективы развития туризма для социально уязвимых слоёв населения». Материалы международной научно-практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 10 – 12 декабря 2018. Часть I. - С.186-189

¹⁷2019 йил 21 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги конуни, 3-модда» Асосий тушунчалар» ва 12-модда «Туристтик соҳаси қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари фондлар».

давлат томонидан яратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чоратadbирлар; Туризмни қўллаб-қувватлаш фонди ва венчур фондлар. Шунга асосланиб, тадқиқот ишида молиявий қўллаб-қувватлаш давлатнинг туризм соҳаси субъектларининг иқтисодий паст рентабелли гуруҳларини молиявий компенсация қилиш ёки қийин вазиятнинг оқибатларини (масалан, касалликлар) бюджет ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ёки бошқа манбалари ҳисобига минималлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий-ташкилий шаклларда молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати эканлиги қайд этилган.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш туркорхоналарни инновацион ривожлантириш стратегиясининг молиявий механизми даражасини оширишнинг иқтисодий муаммоларини назарий жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб қилади. Улар орасида муҳим аҳамиятга эга, аммо етарлича ўрганилмаган муаммо турмахсулотлар сифатининг моҳиятини тушуниш саналади. Айрим иқтисодчилар энг яхши якуний молиявий натижаларга эришиш орқали хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал қилиш билан кенг маънодаги «махсулот сифати»¹⁸ тушунчасининг тўғри талқинига асослироқ равишда ишора қилишади.

Тақдим этилган турмахсулотларнинг сифати тўғрисидаги иқтисодий адабиётлар турмахсулотларнинг сифати ва турмахсулотларнинг фойдалилиги каби асосий тушунчалар ўртасидаги муносабатларни фарқлаш билан тавсифланадиган муаммоларни ўрганишда бир қатор муҳим йўналишларни очиб беради¹⁹. Кўплаб иқтисодчилар турмахсулотларнинг сифатини унинг истеъмол нархига боғлашади²⁰. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот ишида турмахсулотларнинг сифатини баҳолаш масаласининг умумий кўриниши, бир томондан, янги турмахсулотларнинг харажатлари (таннархи) ёки нархи ва иқтисодий самарадорлиги ўртасидаги, унинг асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатларни аниқланганлигини ва шундан иборатлиги таъкидланади.

Ўз навбатида, турмахсулот ёки ҳодиса тушунчасини таърифлаш уни бошқа турмахсулотлардан ажратиб турадиган, унинг ички моҳиятини ифода этадиган ўзига хос нарсани топиш демакдир. Турмахсулотларнинг сифати ушбу истеъмол нархи хусусиятларини ифода этади. Демак, сифат деганда унинг нархини ифодаловчи турмахсулотлар хусусиятларининг мажмуи тушунилиши керак.

Давлат инновацион сиёсатини амалга ошириш натижаларини аниқлаш туркорхоналарнинг инновацион фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш, маълумотларни унинг инновацион ривожланиш стратегиясининг сиёсий мақсадлари билан таққослашда амалга оширилади, бу эса ҳақиқий ва кўзланган молиявий натижалар ўртасидаги оғишларни аниқлаши мумкин. Шу муносабат билан, тадқиқот ишида ушбу стратегияни танлаган давлат

¹⁸ 2010-2018 йилларда Туризмни ривожлантириш дастури.

¹⁹ Горбылева З.М. Инвестиционная политика и ее роль в развитии туризма. Материалы Международной научно-практической конференции «Туризм: практика, проблемы, перспективы». Мн.:БГЭУ, 2011г. с.445

²⁰Чудновский А.Д., Жукова М.А., Севин В.С. управление индустрией туризма: Учеб. пособие: М.: КНОРУС.2015. с. 448

туркорхоналарнинг инновацион фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ролини ошириш объектив жараён, деб ифодалаб ўтилган, чунки улар учун узлуксиз инновацион хизмат кўрсатиш фаолияти фойдали ва мумкин бўлган шарт-шароитни шакллантириш учун қўшимча рағбатлантириш зарур, буни эса туризм бозори ҳар доим ҳам тақдим эта олмайди.

Туркорхоналарнинг инновацион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг асосий таркибий қисми молиялаштириш саналади. Шунинг учун улар ривожланишнинг инновацион йўналишини давлат томонидан тартибга солишни ташкил қилмасдан амалга ошира олмайди. Давлат, туркорхоналарга ёрдам бериши керак, аммо бу қонунчилик базаси учун зарур шарт бўлган туризмни ривожлантириш Концепциясини самарали амалга оширишни талаб қилади. Бу нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш тамойилларини, балки эркинлик даражасини ҳам ўз ичига олади.

Диссертация ишида ҳозирги вақтда туризм соҳаси субъектлари либерал ва ижтимоий йўналтирилган асосий моделлар бўйича ишлаётгани таъкидланади. Агар либерал моделнинг асосий хусусияти ўзини ўзи молиялаштириш ва иқтисодий фаолиятнинг максимал эркинлиги, рискнинг энг ҳимоясиз турларини ҳимоя қилишда давлатнинг иштироки бўлса, у ҳолда ижтимоий йўналтирилган модел амал қилиш ва ўзини ўзи молиялаштириш эркинлигидагини уларнинг фаолияти самарадорлигини, даромад (фойда)ларини тартибга солишда ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини, ҳатто пандемия коронавирус шароитида ҳам қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитларни шакллантиришда давлатнинг иштирокини сезиларли даражада оширади.

Бундай инновацион ривожланиш стратегиясининг молиявий механизми – бу молиявий таъминотнинг турлари, шакллари, усуллари ва воситаларининг, инновацион соҳадаги молиявий муносабатларни тартибга солишнинг ва давлат томонидан амалга оширилаётган хўжалик субъектларининг фаолиятидир.

Молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестициялар, молиялаштириш, тартибга солиш, молиявий таъминотнинг шакллари, усуллари, турлари, инновацион ривожланиш элементларининг молиявий механизмнинг муайян назарий ва методологик конструкциясини ташкил этади. Бу эса, молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишларини ёки хизмат кўрсатувчи субъектларни инновацион ривожланиш молиявий механизмлари стратегиясига янгилик киритадиган инновацион турмаҳсулотларни ишлаб чиқиш стратегиясининг функционал ва молиявий механизмларини аниқлашга ёрдам беради.

Диссертация тадқиқотининг **«Туризм соҳаси субъектларини инновацион ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашда стратегик қарорларга таъсир этувчи омилларни таснифлаш»** номли иккинчи бобида туризм соҳаси субъектларининг молиявий потенциалининг ҳозирги ҳолати ва ундан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланди; туризм субъектлари фаолиятига кластерли-тармоқли ёндашувни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолати тақдим этилди; туризм соҳаси субъектларининг инновацион муносабатларини ривожлантириш барқарорлигини таъминлаш стратегиясини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида уни таърифлашаниқлиги ҳар бир инновацион ривожланаётган туркорхоналар фаолиятини ривожлантириш бўйича танланган омилларнинг муҳимлигига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот ишида келгусида молиявий йўқотишларнинг олдини олиш ва инновацион турмахсулотни танлаш учун ишончли асос яратишга имкон берадиган туркорхоналарнинг молиявий имкониятларини тартибга солиш ва баҳолашнинг стратегик устувор йўналишлари асослаб берилди.

Ўзбекистон Республикасида ўзлаштирилган инвестициялар таркибида туризм соҳасига жалб этиладиган инвестициялар ҳам алоҳида ўринга эга.

Туризмда инвестициялар жалб этилишининг амалдаги ҳолати, яъни инвестицияларнинг абсолют миқдордаги ҳажми ва ўсиш тенденциялари бошқа иқтисодий ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига нисбатан охириги ўн йил давомида сезиларли ўзгармаган бўлса-да, ундаги ўсиш 5,5 мартадан юқори бўлган ҳолда инвестицияга жалб этилган жами инвестицион таркибида туризм соҳа корхоналарининг салмоғи пастлигича қолмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда инвестицияларнинг тармоқлар ва соҳалар таркибидаги ўзгаришлар, млрд. сўм²¹

№	Тармоқлар ва соҳалар	Инвестициялар				2019 йил 2010 йилга нисбатан	
		2010		2019		марта	суммада
		ҳажми	улуши, (%да)	ҳажми	улуши, (%да)		
	Инвестициялар, жами	15338,7	100,0	195927,3	100,0	12,7 марта	+180588,6
1	Саноат	4659,9	30,4	71059,8	36,3	15,2 марта	+66399,9
2	Қишлоқ хўжалиги	530,6	3,5	12199,1	6,2	22,9 марта	+ 11668,5
3	Қурилиш	219,6	1,4	27535,1	14,1	125,3 марта	+ 27315,5
4	Ахборот ва алоқа	х	х	2679,0	1,4	х	+2679,0
5	Савдо ва умумий овқатланиш	743,3	4,8	7395,2	3,8	9,9 марта	+ 6651,9
6	Ташиш ва сақлаш	Х	х	14047,7	7,2	х	- 14047,7
7	Маиший хизмат кўрсатиш	2742,2	18,0	х	х	х	-2742,2
8	Соғлиқни сақлаш	343,7	2,2	8156,6	4,1	23,7 марта	+ 7812,9
9	Таълим	408,3	2,7	5511,0	2,8	13,5 марта	+ 5102,7
10	Молия ва суғурта фаолияти	х	х	1822,5	0,9	х	+ 1822,5
11	Бошқа фаолият турлари	5333,3	34,7	43565,2	22,2	8,2 марта	+ 38231,9
12	Туризм	357,8	2,3	1956,1	1,0	5,5 марта	+ 1598,3

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, туризмда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари барча тармоқ ва соҳаларга нисбатан

²¹Ўзбекистонда қурилиш 2016-2019 йй. Статистик тўплам. Тошкент, 2020 йил.
<https://wtcc.org/Research/Economic-Impact>

паст бўлганлиги қайд этилди. Агарда 2010-2019 йй. туризмда инвестициялар ҳажми 5,5 марта ошган ҳолда, жами иқтисодиётда у 12,7 мартага кўпайган. Шу билан бирга, таҳлил этилаётган йилларда туризмда инвестициялар ҳажми ялпи инвестицияларга нисбатан 2,3 фоиздан (2010 й.) 1,0 фоизга (2019 й.) пасайган. Ушбу ҳолат туризм соҳасида инвестицияларни жалб этилишида нисбатан пасайиш тенденцияси мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу боис туристик соҳа корхоналарининг молиявий фаоллигини таъминлаш ва унинг фаолиятини инновацион турмаҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сайтларда тақдим этиш муҳим омилдир. Шу муносабат билан диссертация ишида туристик соҳа корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш қуйидаги молия-кредит таъминот манбалари ва инновацион ҳамда инвестиция манбаларига мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги, уларни қўллаб-қувватлаш тартибини ва қабул қилинган қарорларнинг синергетик таъсирини асослаб бориш талаб этилиши таъкидланган.

Ҳозирги кунда давлат томонидан туристик соҳа корхоналарини беғараз манзилли қўллаб-қувватлашни грантлар шаклида амалга оширилишига ҳам кенг шароит яратиб берилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Туристтик соҳа корхоналарига хизмат тақдим этувчи меҳмонхоналарни давлат томонидан грантлар асосида 2015-2019 йй. ва 2020 йилнинг 1 октябрга қадар молиялаштириш ҳолати²²

Т/р	Лойиҳаларни молиялаштириш турлари	Давлат грантини олган туркорхоналар номи	Йиллар					
			2015	2016	2017	2018	2019	2020 (январь-июнь)
1	Янги меҳмонхоналарни куриш ва жиҳозлашга берилган субсидия	Учюлдузли меҳмонхона «Uzbekistan» Хоразм					2280,0	
2	Меҳмонхоналарни фойдаланишга топширишда беғараз ёрдам	Беш юлдузли меҳмонхона «Hyatt Regency» Тошкент		5000,0				
3	Меҳмонхонани курилишига сарфланган харажатларни компенсациялаш	Уч юлдузли меҳмонхона «Grand Hotel Sogdiana» Самарқанд					4080,0	

Туризм потенциали турмаҳсулотларни ва умуман туркорхоналарни таърифлашнинг устувор йўналишларини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Туркорхоналарнинг молиявий имкониятларини аниқлаш уларнинг даромад (фойда)лари ўсишига олиб келадиган омилларга бевосита боғлиқ. Шунинг учун улар ҳар бир туркорхона ҳаётида, айниқса, уларнинг ривожланишида ва молиявий барқарорликни таъминлашда энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга долзарб масалалар қаторига киради. Шу

²²Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Кўмитаси.<https://uzbektourism.uz/>

билан бирга, туркорхоналар фаолияти молиявий натижаларини амалга ошириш инструменти бўлиб, бунда уларнинг иқтисодий манфаатлари туркорхоналар туристларга тижорий хизмат кўрсатишда иштироки билан боғлиқ харажатлардан реал даромадлари қанчалар катта эканлиги билан ифодаланади (3-жадвал).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳридаги «Enjoy travel» МЧЖ ва «Касаба сайр» МЧЖнинг сифат кўрсаткичлари фойданинг нотекис ўсишига эга. Агар биринчисидан 2018 йил билан таққослаганда 2019 йилда фойда миқдори 2162,9 млн. сўмга ошса, иккинчисидан эса ўсиш 1468,7 млн. сўмга етган, ammo рентабеллик даражаси иккала МЧЖда ҳам пасайган: 2018 йил билан таққослаганда ушбу туркорхоналарнинг рентабеллик даражаси мос равишда 1,522 ва 0,3 пунктга пасайган.

3-жадвал

2015-2018 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги «Enjoy travel» МЧЖ ва «Касаба сайр» МЧЖнинг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлили²³

Т/р	Кўрсаткичлар		Йиллар					2019 йилни олдинги йилларга нисбатан таққослаш (±)			
			2015	2016	2017	2018	2019	2015	2016	2017	2018
1.	Махсулотларни (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан олинган соф даромад, млн. сўм	МЧЖ «Enjoy travel»	1586,7	3585,8	5142,5	5124,3	7287,2	3537,6	3701,5	2144,7	2162,9
		МЧЖ «Касаба сайр»	1594,2	1951,2	1711,6	3225,9	3694,6	2100,3	1743,4	1982,9	468,7
2.	Давр харажатлари, млн. сўм	МЧЖ «Enjoy travel»	22,3	42,7	65,3	52,2	75,0	52,8	32,4	9,8	22,9
		МЧЖ «Касаба сайр»	208,2	201,8	260,2	430,6	577,7	369,5	375,9	317,4	147,1
3.	Бошланғич (тикланиш) қиймати бўйича асосий воситалар қиймати, млн. сўм	МЧЖ «Enjoy travel»	26,5	26,5	26,5	264,5	26,5	0	0	0	-238,0
		МЧЖ «Касаба сайр»	57,3	57,3	57,3	866,9	866,9	809,7	809,7	809,7	0
4.	Асосий воситаларнинг эскириш суммаси, млн. сўм	МЧЖ «Enjoy travel»	5,1	8,8	12,4	12,8	13,3	8,2	4,5	0,9	0,4
		МЧЖ «Касаба сайр»	15,5	16,8	28,3	102,8	255,6	240,1	238,8	227,4	152,8
5.	Рентабеллик *, %	МЧЖ «Enjoy travel»	7,6	7,0	5,5	7,222	5,7	-1,9	-1,3	+0,2	-1,522
		МЧЖ «Касаба сайр»	8,7	6,1	6,9	5,8	5,5	-3,2	-0,6	-1,4	-0,3

* даромад солиғи тўлангунча фойда (зарар (-)) нинг сотилган махсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархига нисбати.

²³Тошкент шаҳридаги «Enjoy travel» МЧЖ ва «Касаба сайр» МЧЖнинг 2015-2019 йй. маълумотлари.

Тадқиқот ишида таъкидланишича, ҳар бир ҳисобот санасида аниқланадиган молиявий натижа туркорхоналар самарадорлигининг энг муҳим мезони сифатида белгиланиши мумкин, туркорхоналарнинг рентабелли компонентларининг операцион фаолиятдан олинган фойда ва айрим туркорхоналарда мавжуд зарарлар ўртасида қуйидаги формулалар бўйича фарқ мавжуд (1; 2 ва 3-формулалар):

$$\sum \Phi P_{\text{пд}} = \sum_{i=0}^{i \rightarrow m} \text{ОП}_{\text{пр}}^i - \sum_{j=0}^{j \rightarrow n} \text{УБ}_j \quad (1)^{24}$$

бу ерда: $\sum \Phi P_{\text{пд}}$ – ҳисобот давридаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган молиявий натижалар суммаси; $\sum \text{ОП}_{\text{пр}}^i$ – операцион (прогноз) фойда суммаси; i – туркорхоналар; $\sum \text{УБ}_j$ – туркорхонанинг қопланмаган зарарлари суммаси; j – туркорхоналар; m, n – фойда олаётган (зарар кўраётган) туркорхоналар сони.

$$\sum \Phi P_{\text{пд}} = K_{\text{оэф}} \text{Э}_\phi \text{ИФП} * \sum \text{ФП} \quad (2)^{25}$$

бу ерда: $K_{\text{оэф}} \text{Э}_\phi \text{ИФП}$ – ҳисобот даврида хўжалик фаолиятининг молиявий потенциалдан (ёки ўз капиталидан) фойдаланиш самарадорлиги коэффиценти;

$\sum \Phi P_{\text{пд}}$ – туркорхоналарнинг молиявий натижалари;

$\sum \text{ФП}$ – туркорхоналарнинг молиявий потенциали миқдори.

$$K_{\text{оэф}} \text{Э}_\phi \text{ИФП} = \frac{\sum \Phi P_{\text{пд}}}{\sum \text{ФП}} * 100\% \quad (3)^{26}$$

Туркорхоналар молиявий потенциалнинг йиғиндиси сифатида молиявий потенциални стратегик бошқариш, яъни унинг ўсиши ва ривожланишини бошқариш, шу жумладан ходимларни танлаш ва жойлаштириш орқали бошқарилиши керак. Бунда агар $K_{\text{оэф}} \text{Э}_\phi \text{ИФП}$ бу мусбат қийматга эга бўлса, ҳисобот даврида турмахсулотларнинг ўсиши уларнинг молиявий имкониятлари асосида таъминланган. Тадқиқот ишида қайд этилишича, олинган ижобий молиявий натижалар суммаси туркорхоналарнинг барқарорлиги сақлаб қолган ҳолда ижтимоий мақсадларни амалга ошириш, инвестиция киритиш ва бошқарув ходимларини муносиб рағбатлантириш учун ишлатилиши мумкин.

Агар бунда $K_{\text{оэф}} \text{Э}_\phi \text{ИФП} = 0$ бўлса, туркорхона барқарор сақланиб қолади.

Агар бунда $K_{\text{оэф}} \text{Э}_\phi \text{ИФП} < 0$ бўлса, туркорхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий функцияларидан етарлича самарали фойдаланилмапти, чунки молиявий натижалар бўлмаганда белгиланган мақсадларга тўлиқ эришиб бўлмайди ва бозор шароитида салбий молиявий натижаларнинг шаклланиши туркорхоналарнинг мустақил ва тўлақонли эканлиги масаласини кўтаради.

²⁴ Муаллиф ишланмаси

²⁵ Муаллиф ишланмаси

²⁶ Муаллиф ишланмаси

Шу нуқтаи назардан, туркорхоналарни ривожлантириш стратегиясининг мазмунига таъсир кўрсатадиган жуда муҳим масалани кўриб чиқиш муҳим. Бу туркорхоналарнинг инновацион ривожланишини шакллантиришга кластерли-тармоқли ёндашувдир. Кластер-тармоқ ёндашуви туркорхоналарга ўз кучларини бирлаштириш, яккаланишни енгиб ўтиш ва тармоқлараро ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўз потенциалларини юзага чиқаришга имкон беради деб ҳисоблаймиз.

